


САМАРҚАНД. Қадимий шаҳарда тайёрланадиган бўрсидоқ нонларнинг шухрати етти иккимга тарқалган. Истиқлол йилларида новвойликдаги бундай ўзига хослик янада эътибор топди. Яқинда вилоят ҳокими Алишер Мардиев новвойлар маҳоратини янада ошириш, унутилатган миллий пишириқлар тайёрлашни йўлга қўйиш учун шароит яратиш мақсадида «Уста новвойлар уюшмаси»ни ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу ҳужжатга кўра новвойлар солиқ тўлашда имтиёزلарга эга бўлиши. Муҳими, ёпган нонларининг сифати яхшиланиб, нархи арзонлашди.


ХАБАРЛАР



Лутфулла МАМАСОЛИЕВ

СИРДАРЁ. Мўйқалам соҳиби Баҳодир Бобоназаров ўзининг ижод ва ҳаёт йўлида яна бир поғона юксалди, десак муболага бўлмас. Боиси, у ўз асарлари билан нафақат мамлакатимиз, балки, АҚШ, Швеция, Япония, Покистон каби хорижий юртларда ҳам эътибор топган. Рассомнинг Ўзбекистон Республикаси Бадий академияси аъзолигига қабул қилиниши эса ўзига хос воқеа бўлди.

АПРЕЛД



Абдужалил УМАРОВ

НАВОИЙ. Навбахор тумани жамоа ҳўжаликлари яна биттага кўпайди. Ҳудуди катта, экин майдонлари кенг «Гигант» ҳўжалиги иккига бўлиниб янги ҳўжалик ташкил этилди. «Истиқлол» номи берилган бу ҳўжалик учта бўлимдан таркиб топган. Қарийб минг гектар майдонга чигит экилган. Яна шунча майдонда кузги бугдой мавж урмоқда. «Истиқлол» деҳқонлари юқори ҳосил кўтаришни мўлжаллашмоқда.


ЎЗГАРИШЛА



Музаффар ШАРОПОВ

ФАРФОНА. Риштон бадий кулолчилик буюмлари ҳиссадорлик жамияти Голландиядан салкам 40 минг АҚШ доллари нархидаги маҳсулотга буюртма олди. Риштонликлар Голландия гулчиларига 30 мингга ҳар хил хажмдаги кўркам ва бежирим гул туваклари етказиб берадилар.

1998 йил



Алишер ИБОДИНОВ

Ватанни севмак иймондандур!

ДЎСТЛИК БАЙРАМИ ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида бошланиб, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида давом этган Ўзбекистонда Қирғизистон маданияти кунлари ниҳоясига етди. Мазкур санъат байрами халқароимиз эришган истиқлол боис мамлакатларимиз уртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик ҳамда маданий алоқаларга янги мазмун ва шуқуҳ бахш этди, дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди. Байрам кунлари қирғиз маданияти ва санъати арбоблари бир қанча шаҳар ва туманларда бўлиб, кўпгина ижодий учрашувлар ўтказди. Дўстона мулоқотлар чоғида қардош халқ кушқичилик, рақс, кино ва бошқа санъат турларининг энг яхши намуналари намойиш этилди. Дўстлар ҳамма жойда ўзбекистон меҳмондўстлиги ва гуллар билан кўтиб олинди. Андижондаги Й. Охунбоев номи вилоят мусиқали драма ва комедия театрида Ўзбекистонда Қирғизистон маданияти кунларининг ёпилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири Хайрулла Жураев сўзга чиқиб, шодиёна кунлари

ўзбек халқига қирғиз санъати билан янада яқинроқ танишиш, адабиёт, санъат ва маданият арбоблари билан мулоқотлар эса ижодкорлар ҳамкорлигини янада ривожлантириш имконини берганини таъкидлади. — Мамлакатларимиз раҳбарлари Исом Каримов ва Асқар Ақаев тарихи, тили, маънавий қадриятлари муштарак икки халқ уртасидаги азалий дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга раҳнамолик қилмоқдалар, — деди Қирғизистон Республикаси Давлат котиби Эшимбай Абдураззоқов. — Ўзбекистонда Қирғизистон маданияти кунлари бу ришталарни янада ривожлантириш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Зеро, бундай тadbирлар халқларимизни янада яқинлаштириш, маънавий-маънавий юксалтириш, маданий алоқаларимизни янги поғонага кўтаришга хизмат қилди. Тантана икки мамлакат санъат усталарининг катта концерти билан якунланди. Тадбирда Андижон вилояти ҳокими Қобилжон Обидов ва Қирғизистон Республикаси Ўш вилояти ҳокими Амангелди Муралиев қатнашди.

(ЎЗА)



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси


1998 йил 21 апрель, сепанба • № 48 (22.285).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул пайти.



ЎЗА олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исом Каримов 20 апрель куни Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси, Польша ташқи ишлар вазири Бронислав Геремекни қабул қилди. Давлатимиз раҳбари ушбу ташрифни Ўзбекистон билан ЕХХТ уртасида тобора ривожланиб бораётган муносабатларнинг яна бир инъикоси, деб айтди. — Ташкилотнинг Ўзбекистонга ва умуман Марказий Осиёга қизиқиши тобора ортиб бормоқда, — деди Исом Каримов. — Бу фақатгина минтақанинг табиий заҳираларга бойлигидан эмас, албатта. Марказий Осиёда кўп давлатларнинг манфаатлари туташади. Шу маънода мазкур минтақда хавфсизлик ва барқарорлиқни сақлаш масаласи муҳим аҳамиятга моликдир.

Президент Ўзбекистон 1992 йилдан буён ЕХХТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканини, ушбу аъзолик талаб этган барча мажбуриятларни ўз зиммасига олганини ҳамда уларни бажаришини айтди. ЕХХТ раиси қабул учун Президентга миннатдорлик билдирди, аини вақтда ўзи раҳбарлик қилиб турган ташкилот билан Ўзбекистон уртасидаги муносабатлар мустаҳкамланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан ЕХХТ уртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада

ривожлантириш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди. Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Умар Исмоилов, ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок

этди. Қабул маросимида ЕХХТнинг Марказий Осиё билан алоқалар бюроси раҳбари Ганчо Ганчев ҳамда Польшанинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Богуслав Качински ҳозир бўлди.

(ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 21 апрелдан бошлаб ҳисоб ва божжона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сумга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

Table with exchange rates for various currencies: Австралия доллари 55,32, Австрия шиллинги 6,72, Англия фунт стерлинги 143,93, Бельгия франки 22,93, Голландия гульдени 41,98, Греция драхмаси 2,73, Дания кронаси 12,39, БАА дирахми 23,28, АҚШ доллари 85,50, Миср фунти 25,03, Ирландия фунти 119,02, Исландия кронаси 1,19, Италия лираси 5,78, Канада доллари 59,85, Хитой юанси 10,33, Кувейт динори 282,64, Ливан фунти 5,60, Малайзия ринггити 22,62, Германия маркasi 47,25, Норвегия кронasi 11,39, Польша злотийси 25,21, Португалия эскудоsi 4,63, Сингапур доллари 53,35, СДР 115,28, Туркия лираси 0,35, Финляндия маркasi 15,57, Франция франки 14,11, Швейцария франки 57,02, ЭКУ 93,71, Жаңубий Корея вони 0,61, Япония енаси 6,47, Россия рубли 13,95, Украина гривнаси 41,90, Беларусь рубли 2,49, Латвия лати 144,43, Литва лити 21,38, Молдова леви 18,12, Киргизистон соми 4,67. Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

НОМЗОД ЯНА ЎТМАЙ ҚОЛДИ

Ўтган жума куни Россия Федерациясининг Давлат Думасида Сергей Кириенко номзодини ҳукумат раислиги лавозимига тасдиқлаш учун овоз бериш маросими бўлди. Бунда С. Кириенко номзоди яна тасдиқланмай қолди. Россиянинг кўпгина партиялари вакиллари уни қўллаб-қувватлашдан бош торттишди. Энди келгуси жума куни ҳукумат раиси лавозимига яна бир бор Сергей Кириенко номзоди қўйилади. Агар унинг номзоди бу гал ҳам қўллаб-қувватланмайдиган бўлса, у ҳолда Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин Давлат Думасини тарқатиб юбориши ҳам мумкин.

ҲИСОБОТ ТАЙЁРЛАШ МАҚСАДИДА

Англия ташқи ишлар вазири Нилс Хелверг Петерсен Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг собиқ Югославия бўйича халқаро мулоқот гуруҳи шу йил апрель ойи охирида ўтказиладиган мажлисига ҳисобот тайёрлаш мақсадида Болжон мамлакатлари бўйлаб сафарга чиқди. Сафар давомида у Югославия, Черногория, Албания ҳамда Македонияда бўлади. Н. Петерсен давлат Югославия давлат раҳбарлари билан учрашиб, Югославиянинг жаҳон ҳамжамияти билан алоқалари, мамлакатда ўтказиладиган ислохотлар кулини ҳамда Косово воқеалари юзасидан музокаралар ўтказди. Шунингдек, вазирининг Сербия раҳбарлари, уларнинг мукофлатчилари ҳамда Косоводаги албанлар билан ҳам учрашиши кутилмоқда.

ҲУЖЖАТ ТАСДИҚЛАНДИ...

Чехия парламентининг қўйи палатаси мамлакатнинг Шимолий Атлантика ҳарбий блокига (НАТО) аъзо бўлиши ҳақидаги ҳужжати тасдиқлайди. Аслида мазкур ҳужжат илгарироқ тасдиқланиши керак эди. Лекин Президент Вацлав Гавелнинг бевотоблиги туфайли тadbир бошқа кунга қолдирилган. Палата аъзоларининг кўпчилиги Чехиянинг НАТОга қабул қилинишини ёқлаб овоз бериши кутилмоқда. Шундай бўлса-да, бу масала бўйича умумхалқ референдумини ўтказиш ташаббусини илгари сураётган айрим партия вакиллари ҳам ийқ эмас.

ТОШҚИН ОҚИБАТЛАРИ

Афғонистоннинг Фарёб вилоятида юз берган кучли сув тошқини оқибатида 30 киши ҳалок бўлди ва мингдан ортиқ фуқаро бошпанасиз қолди. Маълумотларга қараганда, кургуликка асосий сабаб тоғлардаги қорларнинг эриши оқибатида дарёлар сатҳининг кўтарилиб кетганидир. Тошқин туфайли 20 минг гектар ер сув остида қолди, унлаб қишлоқларни сув босди. (ЎЗА хабарлари ва хорижий манбалар асосида тайёрланди).

ВАТАН ХАРИТАСИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси, Польша ташқи ишлар вазири Бронислав Геремек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига таширф буюрди. Олий Мажлис Раиси Эркин Халилов меҳмонларга парламент тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, қонунчиликни такомиллаштириш борасида хорижий мамлакатлар парламентлари билан йўлга қўйилган алоқалар ҳамда бундай муносабатларни янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб берди. Учрашувда ЕХХТнинг Марказий Осиё бўйича бюроси раҳбари Ганчо Ганчев, Польша Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Богуслав Качински ҳозир бўлди.

«Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири О.Шарафилдинов, Республика «Бошқидромет»и бошлигининг ўринбосари А.Овчинников, Ўзбекистон Давлат бош санитария врачси Б.Ниязатов, Туркменистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси С. Пирмухамедов ва бошқалар сўзга чиқиб, инсон саномадлиги йўлида экология соғлигини таъминлаш умумхалқ иши эканлигини ва барча соҳа вакиллари бу борда биргаликда ҳаракат қилиши лозимлигини таъкидладилар.

Халқаро «Экосан» жамғармасида Бутунжаҳон Ер куни муносабати билан «Маданият, экология ва инсон» мавзусида халқаро учрашув ўтказилди. Унда «Экосан» Тошкент клуби аъзолари, эколог олимлар, академиклар, таниқли ёзувчи ва шоирлар, маданият арбоблари, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Учрашувни халқаро «Экосан» жамғармаси президенти Ю.Шодиметов очди.



ЯЙЛОВ ТўЛА СУРУВ

Самарқанд вилояти иқтисодиёти, аниқроғи қишлоқ ҳўжалигида қоракўччилик асосий ўрнлардан бирини эгаллайди. Вилоятнинг йирик қоракўччилик туманлари — Нуробод 250 минг, Қўшрабодга эса бугунги кунда 50 минг бош қўй-қўзилар, эчки-ўлоқлар яйловларда боқилмоқда. — Ўтган йилдан анчадан буён унут бўлиб кетган қадимий удумни тикладик. Қўзиларни мавсуми ниҳоясига, баҳорнинг фараҳбахш кунларининг бирини Қўзи байрамни ўтказдик. Байрамга Навоий ва Қашқадарё вилоятларидан меҳмонлар таклиф қилинди, — деди Нуробод тумани ҳокими Исом Азимов. — Эл арлоғидаги машҳур санъаткор, шоир ёзувчи ва қизилчилар ўша кун чорвалдорлар хизматига бўлди. Кекса чўпонлар нафақага чиққанлари сабабли фарзандлари ва невараларига чўпонлик таъини топиштиришди. Шу йил апрель ойининг биринчи ўн кунлигида туманда қўзиларни мавсуми ниҳоясига етказдик. Ҳар юз бош совиқдан 101 тадан соғлом қўзи олинди. «Олга» ва «Чорвалдор» ижара ҳўжаликларида бу кўрсаткич 114 тага етди. Нияз Ҳайитов, Дондёр Бердиев, Носир Тўхтаев, Қобул Яхшибоев, Нурал Нурмурадов бош бўлган отар чўпонлари эса ҳар юз



бош совиқ ва эчкидан 116-118 тадан қўзи-ўлоқ олдилар. Қўшрабод тумани яйловлари ҳам ўзгармас шўқуҳда. Мажмуи 17.800 бош совиқнинг ҳар юз бошдан туман бўйича 101 тадан қўзи олиниб, унинг 70 боши ўстиришга қолдирилди. Қўзиларни мавсумининг муваффақиятли ўтишида Эргаш Жуманбулбу ўли номи ижара ҳўжалигидан Ибод Бобоқулов, О. Қодиров номи ижара ҳўжалигидан Хўлойназар Тўймуров, «Зармитан» жамоа ҳўжалигидан Мўмин Кувондиқов сизгари бош чўпонларнинг мўносиб ҳиссаси бор. Мамасоли ЛУТФУЛЛАЕВ

Т. НУРМУҲАММАД олган суратлар

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг февраль ойи охирида бўлиб ўтган VIII пленуми мамлакатдаги туб ислохотларнинг ҳозирги босқичида партиянинг маҳаллий кенгашлари фаолиятини янада тарқатиш ва вазифаларини муҳофаза қилди. Мамлакатнинг долзарблиги шундаки, вилоят, шаҳар, туман кенгашлари, биринчидан, партиянинг юқори бўлини билан куйи бўлини боғлаб туриш, бошлангич ташкилотлар фаолиятини йўналтиришдек муҳим вазифани бажаришга даъват этилган бўлса, иккинчидан, таҳлилларга қараганда, айрим жойларда, маҳаллий кенгашлар фаолиятида жиддий камчиликлар мавжудлигидан, уларнинг ҳаракатлари суст ва бесама, мавқеи узига яраша бўлаётди. Ваҳоланки, маҳаллий партия кенгашлари ишини давр талаблари даражасига кутармай, уларни ташкилий-сиёсий ва молиявий жиҳатдан мустаҳкамламай, ташкилотимизнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, унинг олдида турган масалаларни ҳал этиш амри-маҳол.

Ўзбекистон ХДП ташкил топгандан буён ўтган давр ичида тулган тажриба, ўз навбатида, унинг маҳаллий ташкилотларининг жамиятдаги мавқеи ва сиёсий нуфузи, бир томондан, демократик йул билан сайлаб куйилган вилоят, шаҳар, туман кенгашлари ва уларнинг котиблари ҳамда ижроия бюрolari аъзоларига, иккинчи томондан, касб маҳоратини пухта эгаллаган партия ходимларига, хусусан, жамоатчи фаоллар билан профессионал партия кадрларининг фаолиятини уйғунлаштириш билан боғлиқ эканлигини таъкидламоқда.

Бу ҳаётий ҳақиқат Ўзбекистон ХДП фаолиятининг муҳим йўналиши — мафқуравий ишларга ҳам тула тааллуқлидир. Кўппартиялик тизими шароитларида фаолият курсатаётган ташкилотимиз тақдирини учун бу соҳанинг аҳамиятини тула идрок этган жойларда партия кенгашлари оммавий-сиёсий, тарғиботчилик, тушунтириш ишларига алоҳида эътибор бериб, уни замон талабларига яраша уюштириш, таъсирчанлигини ошириш мақсадида гоёвий етук, одамлар билан ишлаш малакасига эга тажрибали ходимлар ва фаолларни кенг жалб қилмоқда. Масалага шу тарзда ёндашган Ўзбекистон Халқ демократик партияси қатор ташкилотлари қисқа муддатда оёққа туриб, ўз худудларидаги нуфузли сиёсий кучлардан бирига айландилар. Чунки, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол қатнашиш, республикамиз Президентининг адолатли сиёсати, юртимизда руй бераётган туб ўзгаришлар моҳияти ва аҳамиятини аҳолига ҳар томонлама тушунтириш, жойларда ислохотлар боришида партиядошларимизнинг бевосита иштирокини таъминлаш билан маълум обрў-эътибор қозонган ХДП Қашқадарь, Хоразм вилоят, Қорақалпоғистон республика ташкилотлари шулар сирасига кириди.

Андижон вилояти партия кенгаши ушбу худуддаги ташкилотларимиз имкониятлари ва кундалик фаолиятини, улар бйраштираётган 38 миң нафар сафдошларимизнинг куч-ғайратини ХДП Дастури ва Миллий истиқлол мафқураси гоёларини кенг тарғиб қилиш ҳамда ҳаётга татбиқ этишга, жойларда амалга оширилаётган ислохотларга қўшаётган ҳиссасини куйайтиришга астойдил йўналтирмоқда. Кўпгина соҳаларда пешқадамлик қилаётган вилоятда иқтисодий-ижтимоий ислохотларнинг маънавий янгилиши билан уйғун олиб борилишида Ўзбекистон ХДП маҳаллий ташкилотларининг муносиб ҳиссаси борлиги шубҳасиз. Айни шу вилоятда партияимиз тузилмаларида мафқуравий, оммавий-сиёсий ишлар таянч нуқталарини ташкил этиш ҳаракати пайдо бўлди. Бу ерда 1992 йилдаёқ йирик

бошлангич партия ташкилотлари ўз «Маърифат» марказларини туза бошладилар. Вилоят партия кенгаши раҳбарияти мазкур ташаббуснинг замирида ХДП бошлангич ташкилотларининг оммавий-сиёсий, маданий-маърифий фаолиятини мувофиқлаштириш, тарғиботчи ва ташвиқотчиларга мунтазам услубий ёрдам мураккаб бўлишига қарамай, ушбу масалага доир топшириқларнинг Ўзбекистон ХДП Гулистон, Тахياتов, Чирчик, Қарши шаҳар, Қизилқум, Пахтакор туман кенгашлари (раҳбарлари Қаҳрамон Юсупалиев, Муродбой Жумабоев, Уктам Мирзаев, Рашид Муртазоев, Чори Олимов, Замира Йулдошева, Уғилжон Оллобергенова) томонидан ошириб бажарилиши, ушбу ташкилотларда хизмат қилаётган ходимларнинг жамоатчи фаоллар билан қўлма-қўл ишлашларининг натижаси, албатта. Чунки, партия ходимлари уларга, улар орқали кенг жамоатчиликка суянмай, бу н д а й кийин масалани ҳал қила олмас эдилар.

Ўзбекистон ХДП аъзолари орасида бевосита ишлайдиган, улар билан кунда учрашиб, суҳбатлашадиган, уларнинг қувончу ташвишларига шерик, ҳамдард ва маслаҳатчи кишилар, бу — бошлангич партия ташкилотлари котиблари. Ушбу кўп сонли фаоллар сафдошларимизнинг Ўзбекистон ХДП Дастури ва Низомида белгиланган ўз вазифа ҳамда бурчларини бажаришлари, ислохотларда бевосита иштирок этишларини таъминлаш мақсадида, режали тарзда, ташкилий-сиёсий, тарғибий-ташвиқот ишларини олиб борадилар. Кўпгина котиблар меҳнаткашларни бунёдкорлик ишларига сафарбар этишда давлат ва бошқарув идоралари, корхона, хўжалик маъмуриятига қўмақлашиш билан бирга, намунали меҳнатлари билан ҳам бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Мисол тариқасида Ўзбекистон ХДП ташкил топган куннинг олти йиллиги муносабати билан номлари МК «Эҳтиром китоби»га киритилган ва матбуот нашрларимизга бу йилги обунани ўтказишга самарали ҳисса қўшганликлари учун Марказий Кенгаш Ташаккурномасини олишга сазовор бўлган бир гуруҳ бошлангич партия ташкилотлари котибларини кўрсатиш мумкин. Шулардан бири — Нукус шаҳридаги махсус урта укув ортлари ходимлари худудий партия ташкилоти котиби М. Турмановдир. Унинг ташаббуси ва бошлангич партия ташкилоти саъй-ҳаракатлари билан Нукус политехника коллежи қошида ташкил этилган «Маънавият ва маърифат» маркази талабалар ва ўқитувчиларгагина эмас, балки, теварак-атрофда истиқомат қилувчи аҳолига ҳам хизмат қилмоқда. Президент И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бугунга: хавфсизлик таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номи китобида бағишлаб марказда ўтказилган анжуман унинг иштирокида катта таассурот қолдирди. Котиб партияимиз газеталари ва «Мулоқот» журналига обунани ҳам қўйиллатди.

Хоразмда қўшқирлик Ж. Раҳимовнинг номи хўрмат билан тилга олади. «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида фаолият курсатаётган бошлангич партия ташкилотининг фаоллиги, хўжалик ижтимоий ҳаётига муайян таъсир курсатаётганлиги, кўп жиҳатдан, унинг сардори туфайлидир. Жамоанинг ишлаб чиқариш соҳасидаги ютуқлари, унинг ху-

дудидаги қишлоқларнинг газлаштирилганлиги ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш асосан тугалланганлиги, аҳолига маънавий хизмат курсатишнинг яхши йўлга қуйилишида у бошчилик қилаётган ХДП бошлангич ташкилотининг салмоқли улуши бор. Шунинг учун бу ерда партия ташкилотининг обрўи ошмоқда, қўлаб деҳқонлар, зиёлилар, ёшлар ўз тақдирини Ўзбекистон ХДП билан боғламоқда. Табиийки, серғайрат жамоатчи раҳбарнинг номи партияимиз «Эҳтиром китоби»дан жўй олди.

Шундай шарафга муяссар бўлганлардан яна бири — Марғилондаги иккинчи урта мактаб ўқитувчиси М. Болтаева. У бир неча йилдан буён маориф ходимлари худудий партия ташкилотига бошчилик қилади. Унинг одамлар дилига йул топа билиши, Ўзбекистон ХДПнинг дастурий гоёлари, юртбошимизнинг ички ва ташқи сиёсати, ислохотлар мазмун-моҳиятини ҳамкасбларига моҳирлик билан тушунтира олиши туфайли кейинги уч йил ичида ташкилот сафлари 30 дан зиёд янги аъзога қўпайди. Мамлакатимизнинг бевосита иштирокида ХДП аъзоларининг сиёсий ўқувлари йўлга қуйилди, давлатимиз раҳбарининг қатор асарларини ўрганиш ва тарғиб қилишга бағишланган кургзамали семинарлар, Ўзбекистон Конституцияси кўни, миллий байрамлар, тарихий саналар муносабати билан оммавий тадбирлар ўтказилмоқда.

Тошкент шаҳар партия ташкилотига «Файз» ҳиссадорлик жамиятида хизмат қилаётган Александр Саранцевни яхши билишадим. У бошлангич партия ташкилоти котиби сифатида ХДПнинг дастурий гоёларини муҳандис-техник ходимлар ва ишчилар ўртасида хормай-толмай тарғиб қилмоқда. Партияимиз мақсадларини рўйбга чиқаришга ҳисса қўлишига тайёр кишиларни ХДП сафларига тортмоқда. Узининг куч ва тажрибасини сафдошларимизнинг ҳиссадорлик жамиятида руй бераётган жиддий ўзгаришларда фаол иштирокини таъминлашга қаратмоқда. Айниқса, жамоа аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш масалаларига катта эътибор бермоқда. Александр Степанович етакчилик қилаётган БПТ тумандаги энг яхши ташкилотлардан бирига айланди, унинг узини Ўзбекистон ХДП Сирғали тумани кенгаши ижроия бюроси аъзоси этиб сайлашди, номи Марказий Кенгаш «Эҳтиром китоби»га киритилди. Бундай далиллар жуда кўп. Зеро, ислохотлар йўлидаги амалий ишлари, халқ гаமிдаги саъй-ҳаракатлари билан меҳнат қилаётган жамоалари, маҳалладошлари меҳрини қозонган, элу юрт хўрматига сазовор бўлган котибларимиз, тарғиботчи-ташвиқотчиларимиз сони талай.

Хўш, партияимиз фаолларининг ибрат олишга арзийдиган фазилатлари нималардан иборат? Фикримизча, улар, биринчи навбатда, эътиқоди бут, Ватанимизнинг саодатли келажиги, халқимизнинг куч ва имкониятлари, ХДП дастурий гоёларининг ҳаётийлигига қатъий ишонган кишилардирлар. Иккинчидан, улар — мамлакатимиз раҳбариятининг ислохотчилик сиёсатини фаол қўлаб-қувватловчилар, юртимиздаги туб ўзгаришларга узларининг амалий ишлари билан ҳисса қўшаётганлар. Кўпчилик фаолларимизга юксак масъулият ҳисси, ташаббускорлик, изланиш, янгиликка интилиш хос. Боқимандалик, фаолиятсизлик, лоқайдлик эса, уларга ёт. Улар — Ватанимиз равақли, партияимизнинг жамиятдаги нуфузини ошириш учун билим, тажриба, куч-ғайратларини аямаятган конюяр инсонлар. Сафимизда шундай кишилар қанча қўпайса, уларнинг иш тажрибаси кенг оммалашса, партияимизнинг туб ислохотлар боришига қўшаётган ҳиссаси шунча салмоқли бўлади.

Партия ҳаёти

ЖОНКУЯРЛАР

1

2

3

4

С. ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон ХДП МК мафқуравий ишлар бўлими мудири.

ТЕРАН ТОМИРЛАР

Қадим Туркистон халқларининг қардошлик алоқаларини янада жипслаштириш, минтақамизда халқларнинг азалий ва абадий дўстлиги барқарор бўлиши учун кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда Қирғизистон маданияти кунларининг ўтиши ҳам шу олийжаноб мақсаднинг бир кўриниши. Зотан, бундай тадбирларнинг тез-тез ўтказилиб туриши ҳар биримизнинг қалбимизда, шууримизда олис ва теран томирларимизни жўш

урдиради. Маданиятимиз, санъатимиз, тилимиз ва динимизнинг уйғунлиги кўнгилларга фохр бағишлайди. Куйида қардош қирғиз шоирларининг ижодидан намуналарни эътиборингизга ҳавола этамиз.

Сўранбой ЖУСУЕВ,
Қирғизистон халқ шоири

НОВКАТЛИК ҚИЗЛАРГА
(Ҳазил)

Баҳорда келганимда,
Парникин тузар эдинг.
Саратонда қилдирсам,
Тамаки узар эдинг.

Нодирбек АЛИМБЕКОВ,
қирғиз шоири

АБАДИЙ СИР

Бу оламнинг туби йўқ,
Яшамоққа бир келгум.
Эртаю-кеч ташвишда,
Эплаб-сеплаб кун кўргум.

Бу фалакнинг чеки йўқ,
Ошиғи йўқ, камии йўқ.
Иш билан эл саросар,
Кажрафторнинг ғами йўқ.

Чегга соддим синиб қолган буюмга,
Куйлай-куйлай нима ишлар қилмадим!
Қуримаса, биров кесиб кетмаса,
Ажаб эмас, турар ўрик билмадим.

Турган бўлса, сайқонликда, қирладир,
Кўрк, чиройи ўтиб кетган йилдадир.
Хасратини хатир мисол ийладим,
«Қизил ўрик»... қўшиғини куйладим...

Марқабой АМАТОВ,
қирғиз шоири

Боғ оралаб, қир кесиб, доvon ошиб,
Йўртаман автоларда сенга шошиб.
Бағрингга мен хаприкиб чошган сайин,
Тоғларим пешвоз чиқар қаторлашиб.

Қарқирали қашчағай, сахий даланг,
Қўш қайрағоч — қўзларим аланг-жаланг.
Бормисан она қишлоқ, кучоғинг оч,
Соғинчим сиздиrolмас шоир боланг.

Энди гап ташлай десам,
Бирдан келди чучкирик.
Сен-чи, пинак бузмадинг,
Қайтавердим ич куйиб.

Ҳажрингда куйиб, ёниб,
Ичимдан сизар эдим.
Тушдан сўнг, аста борсам,
Тамаки тизар эдинг.

Борганларнинг изи йўқ,
Қайтиб келган киши йўқ.
Отам кетган тарафдан,
Йўқловчи йўқ, иши йўқ.

Худди кафтдай бу дунё,
Оқиб турган сув дунё.
Хаёлимдан кўп ўтар,
Қиёматдай қув дунё.

Бу дунё асли ёлғондир,
Ўта узун, армондир.
Тантрининг амри туфайли,
Бевафо бўлиб қолгандир.

ҚАЙДАСАН?

Куйдириб малоҳатинг,
Ёдимда айтган гапинг.
Ахир мен сизникиман,
Дегандинг сабоҳатим.

Сўзларинг асалдайин,
Соғингим ошар тайил.
Ёспирай, ўжарлигим,
Тўсилган дарёдайинг.

Юзларинг мисли анор,
Учраган эсдан тонар.
Аҳд қилдик, ваъдалашдик,
Хўш, қачон меҳрим қонар.

Оёқларим остидан учар тўрғай,
Нигоҳ етмас кенгликни кучар тўрғай
Чашмасидан сиққориб, ёлпиз искаб,
Тулпордадин толпиндим кўнглим тўлмай.

Она ер, ташналикдан ҳориб келдим,
Қонмаган соғинчимни олиб келдим.
Олисдаги юртдошларга мадад тилаб,
Шеърлар ёзсам, мисрасига ёғду берган.

Гулжамила ШОКНРОВА,
қирғиз шоираси

Энди оғиз жуфтласам,
Келди яна чучкирик.
Қўлдан тушиб тарвузим,
Уйга қайтдим ушқириб.

Ўрикзорга ўтар дея,
Йўлигини пойлар эдим.
Сен бепарво шийпонда,
Тамаки тойлар эдинг.

Икки оғиз сўз айтмай,
Авжга миңди чучкирик.
Бошим қотиб охири,
Уйга қайтдим ушқириб.

Сағин АҚМАТБЕКОВА,
қирғиз шоираси

ҚИЗИЛ ЎРИК...

...Ётган эдик битта касалхонада,
Ён палата, дилда нени туймадим.
Қизи билан ашулачи бир аёл.
«Қизил ўрик»... қўшиғини куйладим.

Хабар олар ҳар кун турмуш ўртоғим,
Баъзан оғриб, ҳатто кўз ҳам юммадим.
Аёлнимас, ашуласин билардим,
«Қизил ўрик»... қўшиғини куйладим.

Ўн саккиз кўроғимда,
Чин гапинг қулғимда.
Онгингни ўзинг буздинг,
Ёнаман фироғингда.

Юракда қолган отинг,
Гувоҳдир ёзган хатинг.
Қайдасан? Кўргим келар —
Қалдирғоч — муҳаббатим.

Ўрагим сиздиrolмас шоир боланг,
Сатрларим чўг ташласа ялов бўлиб.

Мисралар соҳил ювган тошқин бўлиб,
Сен ҳақингда қасида ёздим тўлиқ.
Шу гўзал буюстон аро келарканман,
Балки пешвоз чиқарсан бахтим бўлиб...

Қирғизчадан
Турсунбой АДАШБОВ
таржималари.

Ғайритабиий одамлар

ТИШЛИ ЧАҚАЛОҚ

Бу ўзимизнинг Буриой, асли. Англиянинг Бристоль шаҳрида яшовчилар ҳеч тишли туғилган чақалоқни қўришмаган экан. «Куйлак»ли, оғзида (ҳатто!) олтин қошиқча билан дунёга келган гўдакларни кўрган бристолликлар чақалоқнинг «бури» бўлиб туғилганидан ёқа ушлаб ўтиришибди. Уни Алишия деб аташди. 21 ёшга кирган Селли Кольтер қизалогининг пастки милкидаги 2 та миттигина тишини қўриб қўриб кетди. Докторлар ёш онани «Бу тишлар тез кунда тушади, урнига сут тишлар чиқади, ташвишланманг» дея тинчлантирган бўлишди. Қаёқда, уч ойдириқ, Алишиянинг тишлари бинойидек ўсапти. Афсуски, қизалоқ атрофдаги товуш, нарсаларни англай олмайди. Тиши гашига тегса керак, зур бериб қўлчаларини сўради. Баъзан эҳтиётсизлик қилиб, чиққилаб қолади.

— Алишияни овқатлантиришга қўрқаман, тўғри келган нарсани тишлайди, — дейди Селли. — Бахтимга уни сунъий боқишга тўғри келяпти.

Алишия — Буриой нақд Европанинг қорағидоғларини хайратга солиб, не-не ақл бовар қилмас воқеалардан заррача ажабланмаганларини ҳам шошириб қуйди. «Ғайритабиий бола!» Шундай деб Алишия ҳақида шов-шувлар ёзишяпти. Бизга эса уларнинг оддийгина Буриой — тишли туғилган болага ажабланишларининг ўзи хайратли. Тўғрида. Билмадик агар Бристоллик оилада Суннатилла туғилса нима қилишаркин.

Халқаро Шароф Рашидов фонди марказий кенгаши Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси, Халқ шоири, Олий Мажлис депутаты, фонд аъзоси Абдулла Ориповга падари бузруквор...

Ориф ота УБАЙДУЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан оила аъзоларига, яқинларига чўқур таъзия билдиради.

МЕХР БОҚИЙ

Таниш-нотаниш одамлар

Сўхбатдошимиз Нейматжон ака Нуриддинов кўхна Марғилоннинг Қозийён маҳалласидан. У кишини уста Неймат дейишди. Кечаси уйда сомса впади, кундузи манти пишриб сотади. Хунари билан кун кегирайтган оддийгина фуқаро.

Қулига маблаг тушди дегунча уни гоҳ болалар уйларида, гоҳ ногиронлар мактаб-интернатда, ёрдамга муҳтож оилалар хонадонларида учратиб қоласиз.

Тинчлик жамғармасига, қизи охишлар жамиятига, Соғлом авлод учун ва Маҳалла жамғармасига кўп марта қўлидан келганча маблаг топишди. Уста Неймат билан сўхбатлашиб тўймайсиз.

— Кимнингки қўлидан кичкина хайрли иш келса, одамлар нафи учун эринмаслиги керак, — дейди у. — Айниқса, хунарманд ўзини уйлэйвермаслиги лозим. Энди 60 Ёшга кирялман. Бу чиройли гап айтиш эмас. Мустақилликдан кейин бутунлай янги одам бўлдим, илгари кўзим юмук экан, юрaverган эканман, давлат боқиб олади, деб.

...Нейматжон ака тез-тез кар-соқовлар мактабига манти кутариб бориб қолади. Ногирон болаларнинг қувонганини, севинганини курсангиз. Бундай тантилик, муруват, сахийлик ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди...

Марғилон шайридаги 12-мактабга катта миқдорда пул топишди. «Рус гуруҳи болаларига муқофот қилиб беринглар, ким ўзбек тилини яхши урганса, ушаларни тақдирланглар», — деди. Бу ўзбек тилига дав-

лат тили мақоми берилган чоғларда эди. «Ўзбеклар меҳрини, қалби кенглигини, сахийлигини ҳамма билиб-сезиб турсин», — дейди у.

Қува туманидаги М. Раҳматов номи жамоа ҳужалигида уста Нейматни танимаган одам топилмайди.

— Ҳар йили бир ҳафта-ун кун бола-чақаси билан пахта теришга келади. Хирмонда ош дамлаб, Ёшу қарини чақиради, — дейди 70 ёшли Ислом ота Сарибоев.

— Илоҳим, бирни олса, минг булсин, саховатига балли! 7 кунлик келинини ҳам пахта теримига олиб келди-да. Хўп ажойиб инсон, илоҳим, камлик кўрмасин, — деб дуо қилади 95 ёшли Имомали ота Раҳмонбердиев.

Уста Неймат ўз ихтиёри билан афгон урушига кетиб вафот этган Мақсуджон Исахўжаевнинг оиласига ва афгон уруши қатнашчиси, II-гуруҳ ногирони Худойберди Абдураҳмонов оиласига ҳар ойда 500 сумдан ёрдам пули беради.

— Афгон уруши қатнашчиларининг тadbирларида, байрамларида фаол қатнашади, — дейди Марғилон шаҳар афгон жангчилари уюшмаси раиси Абдуфаттоҳ Воҳидов. — Наврўзда афгон ва уруш ногиронлари учун уйда дастурхон ёзди. Ўз ихтиёри билан келиб жамиятимизга моддий ёрдам кўрсатаётганлардан бири — уста Неймат. Шундай одамлар бор экан, олам гулистон, меҳр боқий!

Малик БОЙМУҲАММАД

Эндигина ўрта мактабни тамомлаган ўтқир зеҳли, масъума қиз катта шаҳарга отланаётганда, санъат ихлосмандлари орасида ўзига яраша муҳлиста эга эди. Чунки, мурғаккина қалбига кўшиқ барвақт инди. Асрий мумтоз



кўшиқларимизнинг оҳанги ўз сеҳри оламига уни етаклаб кетди. Болаликдан билганича ашула хиргойи қилар, беихтиёр бармоқлари ликопча чертганини ўзиям сезмай қоларди.

У Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида тахсил олди. «Зўр овоз»нинг эса доим харидори кўп

бўлиши табиий. «Зарафшон» дастасидаги устозлар назари унга аллақачон тушганди. Институти битирди-ю, йўланма билан шу даргоҳга келди. Дастлаб ишта келган кезлари ҳали анча «хом»лигини, яққохон хонанда

фонди»ни хотирлай бошлайман: «Самарқанд ушшоғи», «Қашқарчаи сафти чоргоҳ», «Онажон», «Елғизлик», «Волидам», «Йиллар», «Меҳмон бўлиб», «Ватанимни кўлайман»... Эҳе... кўп. Иродали, қатъиятли.

Санъат олами

Санъаткор саноат маҳсулоти ишлаб чиқармайди-ку? Бошқа бозорга сотса?! Ахир, кўшиқ қалбнинг акс-салдоси. У сотиладими?»

Кейин «Самарқанд ушшоғи»ни кўлай бошлади. Қўларимга ёш келди. Уни ўша оламда «кўрдим». Йўқ, кўшиқ халқ ўтмиши, унинг эртасидан сало! Замира қатъий бош иргайди: «...Ҳа!»

Хонанданинг юлдузли онлари жуда яқин. Уни одатий саволларгаям тутаман. Эстрадада айтмайман, чунки классик кўшиқ олампдан чиқолмайман, дейди жиддий.

«Самарқанд ушшоғи»нинг авж пардасида кўшиқ билан танҳо қоламан. Кўшиқ билан қалбим тўлиқ, усиз руҳим «бўшаб» қолади. Халқимизнинг ўлмас, мумтоз кўшиқларининг ҳар мисрасида ўзга бир мўъжизавий дунёни кашф этиб яшайман». Бу санъаткорнинг эътиқоди.

Саида БОНУ

Кўнглимни кўшиқ тўлдиради

бўлиб фаолият кўрсатиш масъулияти нечоғлиқ оғирлигини ҳис этди.

Таниқли бастакор Исмаил Раҳматуллаев шоғирларига ўта талабчан. Ҳамма хонанда билан ҳам ишлайвермайди. Шунда санъаткор «Замирахоннинг ҳаминша «заҳра»си бор, овоз имконияти кенг хонанда. Асосийси, ўргатганини уқадиган, тингловчига кўшиқни «етказа оладиган санъаткор», дея мамнун бўлади.

Ҳақиқатан ҳам Замира Номозованинг бугунги кўшиқчиларимиз орасида ярқ этиб кўзга ташланиб қолиши бежиз эмасдек. Унинг «олтин

Сўхбатда инсоний фазилати устунлигини дарров илғадим. «Иккиюлламачиликни ёқтирмайман, адолатсизликни бўлса ҳам қилолмайман!» деди бироз кўнгли чўкиброқ.

Сабабини билишга қизиқдим. «Санъат соҳасида ижобий рақобат бор. Бори яхши, тинмай ўз устингда изланишга ундайди. Аммо, орзиқиб кутганинг баъзида саробга айланади, билингни, бу сунъийликдан. Жуда оддий мисол. Айттайлик, катта концертда «ўрингиз» бор. Беш дақиқа қолганда, дабурустан, «сиз чиқмайсиз», дейишади. Ўрингизга бошқа чиқади.

БЕДАҲЛ ДАРВОЗАЛАР

Футбол

Кеча бўлиб ўтган «Косонсой» — «Хоразм» жамоалари учрашувидан кейин мамлакат миллий чемпионатининг 6-тур ўйинларига якун ясалди. Футбол биринчилиги учун кураш эса тобора кескин тус олмоқда. Бўлиб ўтган етти учрашувда мезбонларнинг дарвозаси деярли бедахл сақланди. «Пахтакор» — «Нефтич» жамоалари баҳси марказий ўйинлардан бири эди. Боиси, ҳар иккала жамоа ҳам мавқеини мустаҳкамлаб ягона пешқадам бўлиб олишга дарвоғарлик қилмоқда. Аммо,

учрашувнинг бошида, учинчи дақиқасида Азамат Абдураимов фарғоналиклар дарвозасига йўлаган тўп ўйин тақдирини ҳал қилди. «Дўстлик» — «Темирйўлчи» ўйинида майлон эгаларининг олтига тўпига битта жавоб қайтарилди. «Насаф» — «Бухоро» учрашувда ҳисоб очилмади. Навбахорчилар «Сурхон» жамоасини қабул қилиб, бешта жавобсиз тўп киритишган бўлса, «Зарафшон» ўз майдонида «Металлург» дарвозасини уч марта ишғол этди. «Трактор» футболчилари ҳам «Андижон» жамоасини худди шу ҳисоб-

да мағлубиятга учратдилар. МХСК жамоаси ўз майдонида «Сўғдиёна» футболчиларидан 0:4 ҳисобида енгилди. Чемпионатда эса «Навбахор» билан «Пахтакор» 15 тадан очко билан пешқадамлик қилмоқда. «Бухоро» ва «Сўғдиёна» жамоаларида 13 тадан очко бор. Навбатдаги турда жиззахликлар билан навбахорчилар учрашуви қизиқарли бўлиши кутилляпти. Шунингдек, «Нефтич» — «Трактор» ўйинига ҳам кўпчилик қизиқмоқда.

ТАШКИЛОТ

Тошкент шаҳридаги омборхонадан Аргентина, Бразилия, Канадада ишлаб чиқарилган 20-25 кг.ли қутилардаги САРИЁҒ, Германияда ишлаб чиқарилган 100 гр.ли «MOUXION» плиткали шоколадларни

СОТАДИ

Чегирмалар тизими кўзда тутилган.

Ҳақ тўлаш исталган шаклда.

Жами маҳсулот сифат сертификати билан таъминланади.

Телефонлар: (3712) 133-71-32, 133-79-17.

Приватизационные инвестиционные фонды «Ёркин-Борий» и «Идеал-Приват»

сообщают о проведении Общих собраний акционеров по итогам 1997 г. ПИФ «Ёркин-Борий» «22» мая 1998 г. в 10.00 часов, ПИФ «Идеал-Приват» «22» мая 1998 г. в 14.00 часов по адресу: г. Ташкент, пр. Дружбы народов, 100. Начало регистрации акционеров — ПИФа «Ёркин-Борий» в 9.00, ПИФа «Идеал-Приват» в 13.00.

Для регистрации при себе иметь:

- Удостоверение личности (паспорт) и сертификат акций.
- Дата составления списков акционеров, имеющих право на участие в Общем собрании акционеров: ПИФа «Ёркин-Борий» «20» апрель 1998 г. ПИФа «Идеал-Приват» «20» апрель 1998 г.

Повестка дня общего собрания акционеров ПИФа «Ёркин-Борий»

1. Отчет об итогах финансово-хозяйственной деятельности за 1997 год.
2. Заключение Ревизионной комиссии, утверждение бухгалтерского баланса, счета прибылей и убытков, распределение прибылей и убытков.
3. Утверждение аудитора.
4. Изменение состава Наблюдательного совета.
5. Разное.

Повестка дня Общего собрания акционеров ПИФа «Идеал-Приват»

1. Отчет об итогах финансово-хозяйственной деятельности за 1997 год.
2. Утверждении бухгалтерского баланса, счета прибылей и убытков, распределение прибылей и убытков.
3. Утверждение аудитора.
4. Изменение состава Наблюдательного совета.
5. Избрание состава ревизионной комиссии.
6. Уменьшение уставного фонда.
7. Утверждение контракта с Управляющей компанией.
8. Преобразование ПИФа в инвестиционный фонд общего назначения.
9. Утверждение устава в новой редакции.

С информацией по вопросам повестки дня акционеры могут ознакомиться по месту нахождения ПИФов по адресу: г. Ташкент, пр. Дружбы народов, 100. Тел: 79-75-15, 79-75-13.

Приватизационный инвестиционный фонд

«Ёркин-Борий» сообщает своим акционерам о выплате промежуточных дивидендов за 1 квартал 1998 г. Начала выплаты дивидендов 20 мая 1998 года. Для получения дивидендов при себе иметь: Удостоверение личности (паспорт) и сертификат акций.

За информацией акционеры могут обратиться по месту нахождения ПИФа по адресу: г. Ташкент, пр. Дружбы народов, 100. Тел: 79-75-15, 79-75-13.

ҲИССАДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Малик" пахта тозалаш заводи очик тургази ҳиссадорлик жамияти ҳиссадорларининг умумий йиллик мажлиси 1998 йил 30 апрель куни соат 13.00 да Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги "Малик" ширнатлар ҳўжалиги 3- бўлимида "Малик" пахта тозалаш ҳиссадорлик уюшмаси мажлислар жойида ўтказилади.


Кун тартибидаги масалалар:

1. «Малик пахта тозалаш» корхонаси ҳиссадорлик жамияти бошқарув раисининг 1997 йил ҳўжалик йили якунлари тўғрисида ва 1998 йилда ривожлантириш истиқболлари ҳақида маърузаси.
 2. «Малик пахта тозалаш» ҳиссадорлик жамиятининг 1997 йилдаги молиявий-ҳўжалик фаолиятини текширув якунлари ҳақида тафтиш комиссияси раисининг ҳисоботи.
 3. Аудитор ва аудиторлик текшируви актини тасдиқлаш.
 4. 1997 йил учун дивидентлар миқдори ва уни тўлаш тартибини тасдиқлаш.
 5. Турли масалалар.
- Ҳиссадорлар мажлис материаллари билан «МПТ» ҳиссадорлик жамиятида танишиши мумкин.

ҚОНУННИ ҚўЛАБ ҚУВВАТЛАШ УЧУН БИРГАЛИКДА ИШЛАЙЛИК...



ХАРИД ҚИЛИНАЁТГАН ҲАР БИР ҚУТИДА УШБУ БЕЛГИЛАРНИНГ МАВЖУДЛИГИГА ЭЪТИБОР БЕРИНГ!



SOĞ'LIGHI SAQLASH VAZIRLIGI OGONLANTIRADI: CHEKISH SOĞ'LIQ UCHUN XAVFLI SURGEON GENERAL'S WARNING: Cigarette Smoke Contains Carbon Monoxide



SOĞ'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI OGONLANTIRADI: CHEKISH SOĞ'LIQ UCHUN XAVFLI

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
«Голос Узбекистана»
Алишкул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Узбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРШНИХ
(масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бўлимлар:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Аxbорот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Санъат, курилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
Факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИПОЯТ

МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

70000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР Кўчаси, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳайдар НОСИРОВ,

навбатчи Нурбек ТОШНИЁЗОВ.

Рўйхатдан ўттиш тартиб №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматда, 36.136 нускада босилади.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Узбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0119

Босишга топириш вақти — 21.00.

Топириш вақти — 21.30.

1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРҲДА